# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 30 май, № 104 (5778) Пайшанба

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш, жумладан, чет эл сармоялари ҳажмини ошириш билан боғлиқ масалалар яқинда Вашингтонда ташкил этилган давра суҳбатининг асосий мавзуси бўлди.*

# Вашингтонда давра суҳбати

Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонаси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда Америка — Ўзбекистон савдо палатасига аъзо бўлган “General Electric”, “Anadarko”, “CNH”, “Boeing”, “Lockheed Martin”, “White&Case”, “Nukem”, “FMN Logistics” ва бошқа компаниялардан вакиллар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти йўлида юртимизда хорижлик сармоядорлар учун қулай шарт-шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида давра суҳбати қатнашчиларига батафсил маълумот берилди. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари ҳақидаги ахборотлар тадбир иштирокчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Қайд этилганидек, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик бўйича салмоқли салоҳият ва тажрибага эга бўлган Ўзбекистон ҳамда АҚШнинг икки томонлама дўстона муносабатлари сўнгги йилларда янада равнақ топмоқда. Давра суҳбати қатнашчиларининг якдил фикрича, АҚШ компаниялари билан машинасозлик, металлни қайта ишлаш, энергетика, тоғ-кон, нефть-газ кимёси, электр техникаси, дори-дармон саноати ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган муваффақиятли ҳамкорлик АҚШ томонининг Ўзбекистонда бизнес юритишга нисбатан қизиқиши юқори эканлигидан далолат беради.

Тадбир иштирокчилари Америка Қўшма Штатларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятини тарғиб қилиш ҳамда республикамизда ишбилармонлик билан шуғулланишнинг имкониятлари хусусида америкалик тадбиркорларга янада тўлиқроқ маълумот етказиш бўйича чора-тадбирларни жадаллаштириш ва кенгайтириш зарурлигини эътироф этдилар.

(Давоми 2-бетда).

# ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА АХБОРОТ ОЧИҚЛИГИ

*“Ахборот очиқлиги” деган тушунча бор. Кундалик ҳаётимизда ушбу атама манфаатдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг у ёки бу фаолиятига оид ахборотни керакли ва етарли ҳажмда олишни англатади.*

ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА

Мамлакатимизда давлат тузилмалари фаолиятининг ахборот очиқлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали кафолатланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги, 30-моддасида эса Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунга мос равишда республикамизда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборотни эркин олиши учун қулай шароитни таъминловчи зарур ҳуқуқий базани яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Чунончи, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ахборот, сўз ва ахборот эркинлиги соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солишга йўналтирилгандир.

Фақатгина охирги беш йил ичида оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотлар ошкоралиги ва очиқлигини таъминлашда уларнинг фаоллигини оширишга оид қарийб 10 та қонун ҳужжати ҳаётга татбиқ этилди.

Бинобарин, истиқлол йилларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни бохабар қилиш, аҳоли, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги хабардорлик даражасини оширишга қаратилган салмоқли қонунчилик асоси мамлакатни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилишнинг муҳим таянчига айланди.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Тадбиркор Камол Маткаримов ташаббуси билан Нукус шаҳрида ташкил этилган “Adil–Edige” масъулияти чекланган жамиятида йилига 75 минг погон метр полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга янги технологик линия ишга туширилди.*

### Ташаббус натижаси

— Айни пайтда 10 хилдаги пластик қувурлар тайёрлаяпмиз, — дейди тадбиркор. — Асосий мижозларимиз бўлган “Қорақалпоқтелеком” акциядорлик жамияти, Устюрт геофизика экспедицияси ва аҳолини сув билан таъминловчи бир қатор қурилиш корхоналарига шартнома асосида 80 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб бердик.

Таъкидлаш ўринлики, Нукус шаҳрида шу йилнинг биринчи чорагида 573,1 минг АҚШ долларилик 12 та истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Замонавий қулайлик

*Кармана туманидаги “Камолот” массивида ўтган йили намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 87 та уй-жой ўз эгаларига топширилди. Жорий йилда яна 75 та янги тураржой қурилмоқда.*

Бу эса ҳудудда 162 та хонадондан иборат кўркам ва мўъжаз шаҳарча қад ростлайди, деганидир.

Яқинда замонавий қишлоқ уйларида яшовчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида “Тараққиёт Кармана” масъулияти чекланган жамияти томонидан нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш кичик корхонаси ишга туширилди. Ҳозир корхонада бир кеча-кундузда икки тоннагача ун қайта ишланиб, 10 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кўчма корхона

*Қоровулбозор туманида соатига 150 тонна асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий корхона фаолият бошлади.*

— “Трансйўлқурилиш” давлат унитар корхонасига қарашли заводимиз мобиль (кўчма) корхона мақомида бўлиб, у хориждан келтирилган 9 миллиард сўмлик энг илғор технологик ускуналар билан жиҳозланган, — дейди жамоа раҳбари Ислом Ҳалимов. — Айни пайтда бу ерда саксон нафар ишчи меҳнат қилаяпти. Улар қисқа муддатда хитойлик мутахассислар кўмагида хорижда ишлаб чиқарилган механизмларни бошқариш сирларини пухта ўзлаштиришди. Тез орада яна йигирмата қўшимча иш ўрни яратамиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қурилишда кенг қўлланилади

*Қарши шаҳридаги “Давр темир-бетон сервис” масъулияти чекланган жамиятида янги турдаги қурилиш материаллари тайёрлаш ўзлаштирилиб, уларнинг сони 90 тага етди.*

— Ўтган йили катта харажатлар эвазига четдан келтириладиган бетон йўл тўсинларини шу ерда ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандик, — дейди жамият раҳбари Жонибек Холиқулов. — Эндиликда нефть-газ корхоналари буюртмалари асосида темир-бетон қувурлар тайёрлаяпмиз. Хусусан, “Eriell” компаниясининг вилоятдаги объектлари учун 6000 га яқин темир-бетон маҳсулоти етказиб бериш бўйича буюртма қабул қилганмиз. Айни пайтда бу турдаги қурилиш материалларига бўлган талаб ошиб бормоқда.

Вилоят бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида мавжуд ишлаб чиқариш объектлари қувватини ошириш ва янгилаш ишларига корхоналар ҳисобидан йўналтирилган маблағлар ҳажми 259,6 миллиард сўмни, тижорат банклари кредитлари эса 14,9 миллиард сўмни ташкил этди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Бозор иқтисодиётини янада эркинлаштириш бугуннинг устувор талабларидан биридир. Бинобарин, мамлакатимизда тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида тегишли ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, изчил такомиллаштириб борилмоқда.*

# ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Бу эса ҳар қандай, ҳаттоки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги ўсиши суръатларини барқарор таъминлаш имконини бераётир. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя, таклиф ҳамда қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши бу борада салмоқли кўрсаткичларга эришишда айни муддао бўлаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# Инновацион лойиҳалар ва иқтисодий самарадорлик



*Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Қаерга борманг, замонавий тураржойлар, маҳобатли йўл ва кўприклар, йирик саноат ва ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши жадал давом эттирилаётганига гувоҳ бўласиз. Жорий йилнинг январь — март ойларида мамлакатимизда қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 13,2 фоизга ўсгани бунинг тасдиғидир.*

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Бу эса, ўз навбатида, қурилиш материалларига бўлган талабни янада оширмоқда. Шу боис ички истеъмол бозорини замонавий ва сифатли қурилиш маҳсулотлари билан тўлдиришга хизмат қилувчи кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилаяпти. Натижада сўнгги йилларда маҳаллий корхоналар томонидан 30 дан зиёд янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Президентимизнинг 2005 йил 24 мартдаги “Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2009 йил 19 июндаги “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бунда дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти.

Маълумки, бинокорликда, айниқса, деворбоп материалларга талаб юқори. Айни пайтда республикамизда йилига 3,5 миллиард дона пишиқ ғишт тайёрлаш қувватига эга 880 дан ортиқ корхона ишлаб турибди. Эътиборлиси, улар кейинги йилларда техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиниб, ишлаб чиқаришга юқори унумли, тежамкор, энг асосийси, муқобил ёқилғи асосида ишловчи технологиялар тобора кенг татбиқ этилмоқда. Бу маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш баробарида қимматбаҳо табиий ресурсларни тежаш имконини ҳам бераётгани, айниқса, қувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

ҲАФТАЛИК

*Пойтахтимиздаги “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида “Экоҳафталик — 2013”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизда учинчи марта ўтказилаётган мазкур ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси, Глобал экологик жамғарманинг кичик лойиҳалари дастури ҳамда Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Таъкидланганидек, бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш энг долзарб масалалардан бирига айланган. Чунки дунё аҳолисининг кўпайиши табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажмининг ошишига олиб келиб, бу, ўз навбатида, саноат, қайта ишлаш тармоқларида ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришни тақозо қилаяпти. Ушбу жараён эса пировардида атроф-муҳит мусаффолигига жиддий путур етказмоқда.

5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан дунё ҳамжамияти эътибори яна бир бора экология масаласига қаратилади. Зеро, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббуси билан 1972 йили Стокгольмда ташкил этилган анжуманда асос солинган ушбу санани нишонлашдан мақсад ҳам атроф-муҳит муҳофазасини кучайтиришдир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида**

**61,7**
**миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.**

Бу мамлакатимизда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш, хусусан, Қўқон шаҳрини айланиб ўтадиган “Тошкент — Ўш” А-373 автойўл участкасининг 42 километрини реконструкция қилиш, янги “Тошкент айланма йўли” йўналиши участкасининг 8 километрини қуриш ишларини якунлаш имконини берди.

# ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, ушбу дастуриламал ҳужжатда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш, "Гаров реестри тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш таклифи баён этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ушбу ҳужжатлар биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунлар лойиҳалари муҳокамаси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунда белгилаб берилган илғор демократик тартиб-тамойилларга мувофиқ, қизғин ва конструктив руҳда, янада демократлашган мазмунда бўлиб ўтди. Депутатлар ўзларининг сайловолди дастурлари ҳамда платформаларидаги мақсаду вазифаларидан келиб чиқиб, бу борада ўз мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

— Яқинда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар жамиятда сиёсий партияларнинг ролини ошириш, жумладан, парламентда, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги фаолиятида фракциялараро курашни янада кучайтиришга замин яратди, — дейди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Қ. Тошматов.** — Унда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш учун қонун лойиҳаси устида ишлаш фракциялар (депутатлар гуруҳлари) ва масъул қўмита томонидан бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши, бунда фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифларисиз масъул қўмита ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмаслиги белгилаб берилгани бунинг тасдиғидир. Ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда, "Гаров реестри тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида батафсил таҳлил этилди. Унинг қабул қилиниши Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларига мосдир. Қонун асосида таъминотлар предметининг ҳуқуқий мақомини тезкорлик билан аниқлаш имконини берувчи ягона гаров реестри базаси яратилиб, таъминотни расмийлаштириш бўйича қарор қабул қилиш жараёнидаги мавжуд муаммолар бартараф этилади. Бу эса қарз ва таъминот берувчилар, қарз олувчилар учун жуда қулайдир. Масалан, ушбу ҳуқуқий ҳужжат таъминотлар бўйича маълумотларнинг ҳисобини юритиш, сақлаш ва алмашинуви бўйича муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, мавжуд таъминотлар бўйича ягона электрон шаклдаги ахборот базасини ташкил этиш имконини беради.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда молиявий хизматлар ривожи, гаров реестри тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик соҳасида кредит рискларининг камайиши, кредиторлар манфаатлари кучлироқ ҳимоя қилиниши, банк-молия тизими рейтингини янада оширишда катта аҳамиятга эга.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси А. Юнусова** қайд этдики, мамлакатимиз молия-банк тизимини янада тараққий топтириш, бу борада кредитлаш жараёнини илғор мезонларга муштарак равишда маромига етказишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

— "Гаров реестри тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кредитлар ажратишни кенгайтириш, кўчар мол-мулкдан таъминот сифатида фойдаланиш ва тижорат банклари томонидан таъминотга олинган мол-мулк асосида кредит рискларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириши, шубҳасиз, — дейди у. — Бу эса молия бозорида мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини юксалтириш ва рақобатни кучайтириш, шунингдек, энг юқори халқаро стандартларга мос бозор инфратузилмаси шаклланиши учун шароит яратади. Ўз навбатида, ЎзХДП дастурида устувор вазифалардан ҳисобланган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит институтларини ривожлантиришга доир вазифаларнинг самарали ҳал этилишида айни муддаодир. Қонун лойиҳасида ягона маълумотлар базаси кўринишидаги таъминотлар реестрини ташкил этиш, реестр сақловчисини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, реестрда рўйхатга олинадиган таъминот турларини аниқлаш ҳамда активлар эгалари, шунингдек, кредиторлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш назарда тутилаётгани ҳам эътиборга молик. Бу- ришларни амалга ошириш, ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни модернизациялаш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ҳажмини кенгайтириш, миллий ҳунармандчилик ва туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Биз парламент қуйи палатаси Регламентига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида фракциямизнинг якдил позициясини шакллантириб, тегишли қўмиталарда билдирдик.

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши фракциямиз ҳар бир аъзосини янада фаол бўлиши, ўз вазифасига қатъий масъулият билан ёндашишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди, — дейди **Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вакили Т. Абдусатторов**. — Яқинда бўлиб ўтган фракциямиз йиғилиши ана шу янги имкониятлар ва талаблар асосида кечди. Унда йиғилиш кун тартибидаги масалалар партиямиз аъзолари ҳамда мутахассис-экспертлар иштирокида атрофлича кўриб чиқилди. Чунончи, "Гаров реестри тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси фикрлар хилма-хиллиги руҳида кечиб, шулар асосида якуний позиция шакллантирилди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат юртимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга йўналтирилгани билан долзарбдир. Қонун лойиҳаси таъминотдаги мол-мулкларни ҳисобга олиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ягона базани ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмини белгилашга, таъминот предметлари ноқонуний сотилиши ва бегоналаштирилишининг олдини олишга қаратилган. Бу эса адолат ҳамда қонунийлик тамойилларига ҳамоҳангдир. Эътиборлиси, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш, фойдаланувчиларни сифатли хизматлар билан таъминлаш назарда тутилмоқда. Бу ҳам "Адолат" СДПнинг дастурий вазифаларидан биридир. Мисол учун, реестрда таъминотлар тўғрисидаги маълумотлар электрон шаклда рўйхатга олиниши ва юритилиши, мазкур маълумотларни киритиш, ўзгартириш ҳамда олиш телекоммуникация тармоқлари орқали электрон шаклда амалга оширилиши кўзда тутилаяпти.

Ларнинг барчаси кредит рискларини камайтириб, кредиторлар манфаатларини муҳофаза қилиш механизмларини мустаҳкамлайди. Фракциямиз томонидан бу борада бир қатор таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар муҳим аҳамият касб этди, албатта.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси О. Ўсаров** "Гаров реестри тўғрисида"ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, миллий молия бозорида мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва рақобатни кенгайтириш, замонавий бозор равнақи учун қулай имкониятлар яратишини таъкидлади.

— Ушбу қонун лойиҳасида илгари сурилган нормалар партиямиз дастурий мақсадларига мосдир, — дейди у. — Жумладан, мазкур ҳуқуқий ҳужжат кичик бизнес субъектларига ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда янада соддалаштириш, уларнинг тадбиркорлик ривожини таъминловчи куч сифатидаги ролини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётда пухта ўйланган тизимли ўзгаришларни...

Хулоса ўрнида айтганда, сиёсий партиялар қонун лойиҳалари муҳокамасига бутунлай бошқача ёндашмоқда. Бу, шубҳасиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани натижасидир.

**Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

# ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА АХБОРОТ ОЧИҚЛИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат органлари фаолияти очиқлиги масаласи "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида белгилаб берилди. Унга кўра, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ушбу Қонуннинг 5-моддасида эса ҳар ким ахборот олишни сўраб бевосита ўзи ёхуд қонуний вакиллари орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги ўз ифодасини топган. Айни чоғда унинг 6-моддасида сўровнинг шакллари ва уни қараб чиқиш муддатлари кўрсатиб ўтилган.

Шуларга мос равишда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида очиқликни таъминлашга тегишли қонунчилик моддаларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари аниқ қайд этилган. Масалан, унинг 44-моддасига мувофиқ, фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маълумки, ижтимоий жараёнлар шаффофлигини таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга доир норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришнинг муҳим жиҳатидир. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси миллий ахборот соҳасини либераллаштириш, фойдаланувчиларнинг ахборотни монеликсиз олиш механизмларини такомиллаштиришни таъминлаш, миллий ахборот маконини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ишончли ахборотлар билан тўлдириш жараёнларини янада чуқурлаштириш йўлидаги стратегик қадамдир. Қонун лойиҳаси давлат органлари ахборот очиқлигига оид самарали қонунчилик механизмини шакллантиришда салмоқли роль ўйнайди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш тартиб-тамойиллари, очиқликни таъминлаш механизми таркибий қисмлари қонунчилик даражасида аниқ ва пухта кўрсатиб ўтилаяпти.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ўз ифодасини топган ахборот очиқлиги тамойили фуқароларнинг жамият ёки уларнинг шахсий манфаатларига дахлдор ахборотни олишда, аҳолини қабул қилинаётган ва амалдаги қарорлар ҳақида тизимли хабардор қилиб боришда, шунингдек, давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг фаолияти ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазасига оид қабул қилаётган қарорлари устидан назоратни амалга оширишда ўзини намоён этади.

Ахборот очиқлигининг энг муҳим жиҳати у ёки бу фаолиятнинг аниқлиги ҳамда тушунарлилигидир. Шунга мос равишда, тақдим этилаётган ахборот тушунарли шаклда ва ўз вақтида тайёрланиши шарт, яъни қонунда белгиланган муддатда етказилиши керак. Ўз навбатида, у масъул манбалардан олинганлигининг асосий белгиси сифатида ишонарли бўлиши шарт.

Ушбу шартларнинг барчаси "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжат нормаларида давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари белгилаб берилган. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойишига мувофиқ, бугунги кунда мазкур қоидаларнинг самарадорлиги Бухоро ва Самарқанд вилоятларида синовдан ўтказилаётир.

**Дилбар ХОЛИҚОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Она табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, бугунги ва келажак авлоднинг фаровон ҳаёти учун муносиб шароит яратиш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир. Мустақиллик йилларида шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилиб, унинг изчил ижроси таъминлаб келинаётгани туфайли муайян ютуқлар қўлга киритилаяпти. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий манбалардан фойдаланиш тўғрисидаги миллий маъруза тақдимотида батафсил маълумот берилди.

"Экоҳафталик — 2013" тадбири, анъанага мувофиқ, 5 июнга қадар давом этади. Унинг доирасида мамлакатимиз бўйлаб кўргазмалар, илмий-амалий анжуманлар, медиатурлар, болалар экологик танловлари, энергия ва сув ресурсларини тежаш технологияларининг тақдимотлари ўтказилиши режалаштирилган.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АНЖУМАН

*Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси томонидан "Электр энергетикаси соҳасини модернизациялаш ва инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш" мавзуида анжуман ўтказилди.*

# Энергетика тизими ривожига бағишланди

Маълумки, мазкур соҳа иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири саналади. Зеро, бугунги кунда электр энергияси талаб қилинмайдиган бирон жабҳанинг ўзи йўқ. Бу эса, табиийки, соҳани янада ривожлантириш, унга замонавий тежамкор технологияларни жалб этиш, электр энергияси таннархини пасайтириш ҳамда сарфини камайтириш, муқобил энергия манбалари турларини кўпайтириш ва энергия истеъмолини тизимли назорат қилишни тақозо этади.

Бинобарин, ана шу долзарб вазифалар ижроси йўлида компания томонидан кенг кўламли ишлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил учун инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, 2012 — 2016 йиллар мобайнида 48 та инвестициявий лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш режалаштирилган. Жумладан, умумий қиймати 3,14 миллиард АҚШ долларилик 10 та йирик лойиҳа иссиқлик электр станцияларини модернизациялаш ва янгиларини бунёд этишга қаратилган бўлса, яна шунча лойиҳа гидро электр станциялари фаолиятини замон талабларига мослаштириш мақсадини кўзда тутади. Қолаверса, қарийб 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 7 та лойиҳа асосида мамлакатимизнинг асосий электр тармоқлари реконструкция қилинади. Умумий қиймати 2,3 миллиард АҚШ долларилик 21 лойиҳа доирасида эса паст кучланишли тармоқлар янгиланиб, таъмирдан чиқарилади.

Жумладан, жорий йилда инфратузилмани ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларга биноан, янги энергетика қувватларини, электр энергиясини узатиш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича бир қатор инвестициявий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади. Белгиланган объектлар қурилиб, ўз вақтида ишга туширилиши эса мамлакатимиз энергетика тизимини, авваламбор, техник жиҳатдан тубдан қайта жиҳозлаш, ўз энергия ресурсларимиз ҳисобидан юртимизнинг барча ҳудудларини ишончли таъминлаш имконини яратади.

Тадбирда, шунингдек, Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида йиғилганларга батафсил маълумот берилиб, улар электр энергетикаси сарфини камайтириш ва истеъмолини ишончли назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини ҳаётга татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган юмушлар билан яқиндан таништирилди. Шу билан бирга, соҳада мавжуд камчиликлар ҳақида сўз юритилиб, уларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар айтиб ўтилди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.**

# Пойтахт кўчаларида янги автобуслар

*Шу кунларда пойтахтимиз кўчаларида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган янги русумдаги "SamAuto LE 60" автобуслари қатнови йўлга қўйилди.*

## ҒУРУР



"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси матбуот хизматининг хабар беришича, айни пайтда ушбу автобус модели "12-Автобус саройи" томонидан синовдан ўтказилмоқда. Хусусан, мазкур транспорт воситаси "Сергели мавзеси — "Тошкент" вокзали" йўналиши бўйлаб ҳаракатланмоқда.

"SamAuto LE 60" автобуси 56 нафар йўловчи сиғимига эга бўлиб, унинг вазни 10,2 тоннани ташкил қилади. Автобус салони ҳар жиҳатдан шинам ҳамда юмшоқ ўриндиқлар билан таъминланган. Йўловчилар тушиб-чиқиши пайтида машинанинг ўнг томонга эгилиши учун махсус тизим ўрнатилган. Шунингдек, унда имконияти чекланган йўловчилар учун ҳам бир қатор қулайликлар мавжуд.

Автобусни лойиҳалаштиришда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ундаги замонавий тормоз тизими нотекис ва сирпанчиқ йўлларда ҳам мазкур транспорт воситасининг хавфсиз ва эркин ҳаракатланишини таъминлайди. Янги машина тежамкорлиги билан ҳам ажралиб туради. Автобус двигатели капитал таъмирсиз бир миллион километр масофагача йўл босиш имконини беради.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

# Вашингтонда давра суҳбати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси К. Лэмм** юқоридаги фикрни қўллаб-қувватлар экан, бундай тадбирлар икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва савдо палатаси аъзолари сонини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлади. У Америка — Ўзбекистон савдо палатаси истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилди.

К. Лэмм 2012 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган бизнес-анжуман чоғида имзоланган, яъни иқтисодиётнинг турли жабҳаларидаги умумий қиймати 2,8 миллиард АҚШ долларига яқин бўлган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро келишувларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтди. Унинг фикрича, бундан кейин ҳам Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка доир янги битимларнинг имзоланиши икки мамлакат муносабатлари ривожига янгича суръат бағишлайди.

**«Жаҳон» АА.**
Вашингтон

# Инновацион лойиҳалар ва иқтисодий самарадорлик



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Паркент туманида жойлашган "Глобал Продакшн Индастриал" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга мисол бўла олади. Негаки, корхонада рўёбга чиқарилган инновацион лойиҳа маҳсулот тайёрлашда ёқилғи таъминоти билан боғлиқ муаммоларга чек қўйди.

— Жорий йил бошида пойтахтимизда ўтказилган "Қурилиш — UzBuild — 2013" кўргазма-ярмаркасида Испаниянинг "Beralmar Tecnologic S.A." компанияси томонидан тақдим этилган ғишт пишириш қурилмаларига қизиқиб қолгандик, — дейди корхона бош муҳандиси Нодирбек Абдураҳмонов. — Имкониятларимизни чамалаб, мазкур компаниянинг юртимиздаги расмий вакили бўлган "Сильвер Найл" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома имзоладик. Унга асосан, компания вакиллари қисқа муддатда корхонамизга ғишт хумдонларини қаттиқ ёқилғи билан автоматик равишда таъминловчи қурилмаларни келтириб, ўрнатиб беришди.

Айни пайтда замонавий линия ёрдамида кунига 20 минг дона сифатли пишиқ ғишт тайёрланиб, пешма-пеш қурилиш нуқталарига етказилаяпти. Корхона тўлиқ қувватга эришгач, ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ортиб, иш ўринлари сони 100 тага етади.

— Мамлакатимиз замини кўплаб табиий захиралар, жумладан, кўмир ёқилғисига ниҳоятда бой, — дейди "Сильвер Найл" масъулияти чекланган жамиятининг халқаро алоқалар бўйича менежери Элёр Мўминов. — Испаниялик шерикларимиз таклиф этаётган қурилма худди шундай ёқилғида ишлашга мўлжалланганлиги билан аҳамиятлидир. Шу боис мазкур технологиялар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дарҳақиқат, "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти маълумотига кўра, айни пайтда мамлакатимиздаги мавжуд кўмир конларидан йилига 3 миллион 850 минг тоннадан зиёд кўмир қазиб олинмоқда. Ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли қаттиқ ёқилғи тайёрлаш ҳажми бундан кейин ҳам кўпайиб бораверади. Хусусан, "Ангрен" конини модернизациялаш ишлари якунлангач, бу ерда кўмир ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортиб, йилига 3,2 миллион тоннадан 6,4 миллион тоннагача ошади. "Шарғун" конининг йиллик қуввати эса 900 минг тоннага етказилади.

Аслида кўмирда иссиқлик ажралиб чиқиш даражаси бошқа муқобил манбалар, хусусан, табиий газ ва суюқ ёнилғиларга нисбатан анча юқори эканлиги амалиётда ўз исботини топган. Бироқ сир эмаски, кўмирда пиширилган ғиштнинг сифати рисоладагидек бўлмайди, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Бунинг сабаби кўпгина ғишт заводларидаги алмисоқдан қолган печларга кўмир ёқилғиси механик тарзда узатилишидир. Бу унинг яхши ёнмаслиги ва хумдонда етарли иссиқлик ҳосил бўлмаслигига олиб келади. Иссиқлик даражасини бир меъёрда бошқариш имконининг йўқлиги оқибатида эса маҳсулотнинг бири хом бўлса, бошқаси куйиб кетади.

Корхонада ўрнатилган янги технологик қурилмалар конструкцияларида айнан шу жиҳатлар инобатга олингани диққатга сазовордир. Қурилма ёқилғини майдалаб, хумдонга керакли миқдорда пуркаб туриши натижасида манба ортиқча исроф бўлмайди. Унда автоматик бошқарув тизими мавжудлиги қўл меҳнатини кескин камайтириш баробарида, печда иссиқликни бир меъёрда тақсимлаш, ҳароратни мақбул даражада бошқариб туриш имконини яратади. Барча жараён махсус компьютер дастурлари асосида бошқарилиши эса маҳсулот тайёрлашда сифат ва унумдорликни таъминлайди. Шунга уйғун равишда, атроф-муҳит ва ишчилар соғлиғига хавф туғдирувчи зарарли таъсирларнинг ҳам олди олинади.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу афзалликлар ғишт ишлаб чиқаришда меҳнат ва ёқилғи ресурслари билан боғлиқ сарф-харажатларни анъанавий усулдагига қараганда 4-5 баробарга қисқартиради. Масалан, корхонада илгари бир дона ғиштни пиширишга 1,5 килограммгача кўмир сарфланган бўлса, янги технологияда бунинг учун кўмирнинг 200 грамми кифоя қилади.

Дарвоқе, яқинда мамлакатимизда пишиқ ғишт ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бир гуруҳ ишбилармонлар Паркентда бўлиб, мазкур корхонадаги технологик янгиланишлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар. Мақсад — ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, бу борада тўпланаётган тажрибаларни оммалаштиришдир. Бу эса, табиийки, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, энг муҳими, унинг таннархини мақбуллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Нефтчилар учун ускуналар

*Андижондаги “Uraland” масъулияти чекланган жамияти “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси тизимидаги корхоналарнинг нефть қазиб олишда фойдаланиладиган қудратли технология ва ускуналарини таъмирлашдан ташқари, уларни зарур эҳтиёт қисмлар билан ҳам таъминлаб келмоқда.*

ИЗЛАНИШ

49 нафар мутахассисдан иборат жамоа яқиндан бошлаб “УНБ-600”, “УНБТ-950” насослари, “КПЗ-900 Д” русумли узатиш мосламасини ҳам корхонанинг ўзида таъмирлашни йўлга қўйди. Бунинг ҳисобига ўтган йилнинг ўзида 8 миллиард сўмликдан зиёд иқтисодий самарадорликка эришилди.

— Ҳамкорларимизнинг таклиф ва тавсиялари жамоамизни янгилик яратишга ундамоқда, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Турсунбой Гайбердиев. — Жорий йилдан бошлаб бурғилаш қувурларини айлантириб берувчи “Ротор-700” агрегати ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдик. Бундан ташқари, ҳаво босимини ушлаб турувчи “УВ-250” агрегати нефть қазиб олувчиларга манзур бўлди. Айни пайтда қувурларни юқорига кўтариб берувчи “ЛБУ-1200” агрегати устида изланишлар олиб борилаётир.

Эътиборлиси, “Uraland”чилар жорий йилнинг дастлабки чорагини 2 миллиард сўмликдан зиёд таъмирлаш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҲАМКОРЛИК

*Республикамизда Германиянинг “Agralis GmbH” компанияси ваколатхонаси ўз ишини йўлга қўйгач, юртимизда аграр соҳани ривожлантиришдек эзгу мақсадга қаратилган ишлар кўлами янада кенгайди. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатидаги техника воситалари, сут ишлаб чиқариш, уни қайта тайёрлаш ва етказиб бериш технологиялари, зоотехника ва селекция жиҳозлари бўйича консультациялар ўтказиш, энг сўнгги андозадаги агротехника воситалари имкониятлари билан яқиндан таништириш ва уларни етказиб бериш, харидорларнинг бу борадаги буюртмаларини кўриб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш каби юмушлар асосий фаолият йўналишлари саналувчи мазкур компания мамлакатимиз фермерлари ҳамда тадбиркорларга чорвачилик бўйича илғор сут соғиш ускуналари, сутни совитиш, қайта ишлаш технологиялари, қорамолларга озуқа тарқатадиган мосламалар, мобиль техникаларнинг кенг ассортиментини арзон нархларда таклиф этиб келмоқда.*

## «Agralis GmbH» компанияси:

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИЛҒОР СТАНДАРТЛАР УЙҒУНЛАШУВИ

“GEA Farm Technologies” фирмасининг мобиль сут соғиш ускуналари, шунингдек, “Euro Class 1200”, “Global 90”, “Side by side”, “AutoRotor Magnum 40” сингари мосламалар қулай бошқарув ва назорат, мустаҳкам, зангламайдиган ҳимоя тизимига эгалиги, яъни хавфсизлиги, серунумлиги, энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Айтайлик, “Euro Class 1200” ускунаси сут соғиб бўлингандан сўнг автоматик тарзда тўхтайди. Унинг дисплейи орқали созлашлар киритиш, сут миқдорини кўриш ва бошқа маълумотларни олиш мумкин. Шунингдек, унда ўзини ўзи тозалаш имконияти ҳам мавжуд.

Ёки “Kryos” сут совитиш ва сақлаш цистернасини олиб кўрайлик. Ушбу қурилма сутни автоматик тозалайди, унинг миқдорини аниқ ўлчайди, ёпиқлиги туфайли бактерияларнинг сутга аралашишини олдини олади, совитиш жараёнини бир хилда таъминлайди. Унинг ЛСД-экранида эса совитиш ва тозалаш билан боғлиқ барча маълумотдан воқиф бўлиш, уларни хотирада сақлаш, қайта ишлаш имконияти бор.

“Schwates” фирмасининг автоматлаштирилган технологиялари эса сутни қабул қилишдан тортиб, гигиеник жиҳатдан тоза ва сифатли тайёр маҳсулот тайёрлашда қўл келади. Чунончи, ушбу жараён ёрдамида пишлоқ, йогурт, творог, кефир, қаймоқ, сметана, сариёғ каби парҳез маҳсулотлар олинади. Эътиборлиси, сутни қайта ишлашни режалаштираётган фермер хўжаликларига фирма томонидан мазкур воситалар уни ўрнатишдаги монтаж, муҳандислик ва бошқа техник хизматлари билан биргаликда таклиф этилади.

“Strautmann” озуқа тақсимлайдиган тиркамалари ҳақида ҳам ижобий фикр билдириш мумкин. Аввало, у ишчи кучини тежайди. Тиркама кўмагида турли компонентларнинг сифатли аралаштирилиши натижасида чорва моллари берилган озуқани сараламасдан ейди. Ускунадаги электрон тарози озуқа рационини аниқ назорат қилади. Ушбу ишларнинг барчаси тракторчининг якка ўзи томонидан бажарилиши ҳам эътиборлидир.

Шулар қаторида ўз йўналишида тан олинган етакчи “Eisele” фирмаси савдо белгиси остидаги, далага суюқ гўнг чиқаруви тиркамали тизим, юкловчи тракторлар, электр чўтка, бузоқ учун қафас, “Suevia” сув ичиш ускуналари “Kreiburg” резина матт, суюқ гўнг учун насос, тозалаш скрейпери, чорва моллари сақланадиган ва озиқланадиган бокс ҳамда панжаралар ҳам фермерларга манзур бўлиши, шубҳасиз.

Буни “Agralis GmbH” компанияси хизматларидан фойдаланиб келаётган мамлакатимиз фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, 2007 — 2012 йиллар давомида Тошкент вилоятининг Чиноз тумани “Юлдуз” фермер хўжалиги, Зангиота тумани “Алоқачи” чорва фермер хўжалиги, Қуйи Чирчиқ тумани “Сут булоғи” фермер хўжалиги, Самарқанд вилояти “Чортут” фермер хўжалиги, Тайлоқ тумани “Сиёб Шавкат орзу” фермер хўжалиги, Сурхондарё вилояти “Наврўз” фермер хўжалиги, Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги “Анортоғ” ва “Мусаффо иқлим транс сервис” фермер хўжаликлари ҳамда бошқа кўплаб хўжаликларнинг чорва молларига мўлжалланган ферма, соғиш зали, селекция дарвозаси, тарози, озуқа тайёрлаш ва тарқатиш тизими германиялик мутахассислар ёрдамида комплекс жиҳозланди. Кўпгина хўжаликларга сутни қайта ишлаш техника ва технологиялари етказиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ўзбекистон Агроминитех Экспо” халқаро ихтисослаштирилган кўргазма савдосида “Agralis GmbH” компанияси 2006 йилдан буён мунтазам иштирок этиб келади. Жумладан, у томонидан ҳаракатланувчи сут соғиш аппаратлари, сепараторлар ва бошқа маҳсулотлар баробарида, компания фаолияти ҳақидаги ранг-баранг стендлар тақдим қилиниб келинмоқда. Бу эса қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотиб, янги шартномалар имзолашда муҳим аҳамият касб этаётир.

“Agralis GmbH” компанияси маҳаллий фермер хўжаликлари раҳбар-мутасаддиларига хорижлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиш, етакчи мутахассислар иштирокида ўз малака ва кўникмаларини ошириш учун ҳам имкониятлар яратиб бермоқда. Улар ҳар йили семинар ва ўқув тренингларига бепул таклиф қилинади. Масалан, ҳозирги кунга қадар Чиноз туманидаги “Юлдуз”, Самарқанд вилоятидаги “Чортут” фермер хўжалиги, “Улуғбек-Ойбек-чорвачилик” масъулияти чекланган жамияти ва юқорида тилга олинган хўжаликлар раҳбарлари ҳамда ходимлари Германияда бўлиб қайтдилар. Улар “GEA Farm Technologies”, “Strautmann”, “Eisele Suevia”, “Kraiburg” фирмаларида сутни соғиб олишдан тортиб, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот олишгача бўлган жараён билан яқиндан танишдилар, мезбонлар билан ўзаро фикр алмашдилар. Сут соғиш, озиқлантириш, туёқларга ишлов бериш, чорва менежменти, ем-хашак тайёрлаш каби йўналишлар бўйича Германия тажрибасини ўрганиб қайтдилар. Бу эса уларнинг фаолиятини замонавий стандартлар асосида янада тараққий топтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА.**

● Реклама ва эълонлар ●

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

**Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Алишер Навоий кўчасида жойлашган савдо мажмуаси дўконларини сотиш бўйича бевосита музокара тартибида олиб бориладиган очиқ савдолар ўтказилишини эълон қилади.**

**Почта манзили:**
Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Савдога қўйиладиган объектлар.**
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига тегишли савдо мажмуасининг 10 та дўкони.

| Дўкон рақами | Қават | Майдони (кв.м.) | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1 | 1 | 42,43 кв.м. (дўкон 34,16 + омбор 8,27) | 76 092 897,10 |
| 2 | 1 | 42,40 кв.м. (дўкон 34,16 + омбор 8,24) | 76 039 237,26 |
| 3 | 1 | 42,37 кв.м. (дўкон 34,16 + омбор 8,21) | 75 985 577,43 |
| 4 | 1 | 42,40 кв.м. (дўкон 34,16 + омбор 8,24) | 76 039 237,26 |
| 5 | 1 | 142,18 кв.м. (дўкон 118,81 + омбор 23,37) | 254 511 857,41 |
| 6 | 2 | 42,43 кв.м. (дўкон 34,16 + омбор 8,27) | 76 092 897,10 |
| 7 | 2 | 42,40 кв.м. (дўкон 34,16 + омбор 8,24) | 76 039 237,26 |
| 8 | 2 | 42,37 кв.м. (дўкон 34,16 + омбор 8,21) | 75 985 577,43 |
| 9 | 2 | 42,40 кв.м. (дўкон 34,16 + омбор 8,24) | 76 039 237,26 |
| 10 | 2 | 142,18 кв.м. (дўкон 118,81 + омбор 23,37) | 254 511 857,41 |

**Музокаралар ўтказиладиган сана, вақти ва жойи:**
2013 йил 1 июль куни соат 14.00 да «Ўзмиллийбанк» бош офисининг биносида. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Бўнакни киритиш миқдори, муддати ва тартиби.**
Дўконлар бошланғич қийматининг 10 фоизи миқдоридаги бўнак даъвогар томонидан сотувчининг махсус ҳисобварағига эълон чоп этилган санадан бошлаб таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган кунгача киритилади. Тўлов ҳужжатида дўкон рақами кўрсатилиши керак.

**Бўнакни киритиш учун банк реквизитлари:**
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
«Ўзмиллийбанк»нинг банклараро ҳисоб-китоб марказидаги
ҳисоб-китоб рақами: 29801000000000450047,
банк коди: 00450, СТИР (ИНН): 200836354,
ХХТУТ (ОКОНХ): 96120.

**Даъвогарларнинг таклифлари қабул қилинадиган жой, даъвогарларнинг таклифларини қабул қилиш тўхтатиладиган сана ва вақт.**
Иштирок этиш тўғрисидаги таклифлар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2013 йил 28 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

**Даъвогарларнинг таклифлари елимланган хатжилдларда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширилади:**

* юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколат берилган шахс оммавий оферта йўли билан ўтказиладиган савдоларда қатнашиши учун берилган, қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
* жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, оммавий оферта йўли билан ўтказиладиган савдоларда тўлиқ ваколатли вакил қатнашадиган ҳолларда эса, қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
* банк ҳисобварағига бўнак киритилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
* таклиф қилинаётган харид суммаси ва бу маблағ киритиладиган муддат.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари даъвогарнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Олди-сотди шартномасини тузиш шартлари (таклиф қилинадиган харид тўловлари суммаси, уларни киритиш муддати ва шартлари).**
Олди-сотди шартномаси савдо баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай сотувчи ва харидор томонидан ёзма шаклда имзоланиши ҳамда нотариал тасдиқланиши, давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.
Харид тўловлари тузилган шартнома шартларига мувофиқ, лекин шартнома имзоланган санадан бошлаб 90 кундан ошмайдиган муддатда тўланади.

**Бошқа шартлар:**
* олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун қилиниши мумкин бўлган барча харажатларни харидор тўлайди;
* савдо ғолиби баённомани ёки олди-сотди шартномасини имзолашдан бўйин товласа ёхуд буни рад этса, у киритган бўнак суммаси қайтариб берилмайди.

**Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
Тел./факс: (8-371) 238-56-50, 234-42-73, 234-51-40.

Алоқада бўлувчи шахслар: Санжар Холиқов, Замира Сейтосманова, Ровшан Маҳмудов.

859R/382

*Вниманию предприятий газо-, водо- и электроснабжения, других предприятий и частных лиц!*

**СП ООО «КрокусГазСервис»**

*предлагает со склада в Ташкенте*

**одноразовые номерные пломбы:**
- пломбы-наклейки (размером 60 мм х 25 мм),
- пластиковые пломбы ПК-91РХ-3;

**продукцию московского завода «Газдевайс»:**
- ультразвуковые счетчики газа типа АГАТ G-16,
- водогрейные котлы «Extra».

Товары сертифицированы. Услуги лицензированы.

**Контактные телефоны в Ташкенте: (8-371) 232-21-22, 236-32-66.**

719A/433

*МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!*

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**2012/2013 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришилганлигини маълум қилади.**

Жорий йилда университетни тамомлаётган битирувчиларга турли корхона ва ташкилотлардан 3000 дан ортиқ буюртмалар келиб тушган. Битирувчиларни ишга тақсимлашда республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олиш, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжи бор корхоналарнинг талабларини қондириш ва битирувчиларга тақсимот жараёнида танлаш имкониятини бериш мақсадида университет томонидан қўшимча буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда.

Бугунги кунда университетимизни тамомлаётган кадрларга эҳтиёжи мавжуд корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан университет ректоратига мурожаат этишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон) ҳамда таклиф қилинаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши лозим. Талабнома билан мурожаат этган корхона ва ташкилотлар танлов асосида якуний тақсимот тадбирларига таклиф қилинади.

Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан университет веб-сайти (http//www.tdiu.uz)нинг битирувчилар бўлимида танишиш мумкин.

Сизнинг эътиборингизга таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз.

**2012/2013 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Бакалавр йўналишларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | | | | | Тошкент шаҳри | Ҳозирги кунга қадар келиб тушган буюртмалар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сирдарё | Сурхондарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | | |
| 1. | Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича ) | 163 | 3 | 5 | 5 | 7 | 14 | 6 | 6 | 10 | 7 | 13 | 19 | 10 | 6 | 52 | 200 |
| 2. | Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси | 53 | | 1 | | | 3 | 2 | 1 | | 2 | 1 | 9 | 2 | 2 | 30 | 90 |
| 3. | Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари) | 65 | 1 | | 3 | | 3 | 1 | | 2 | 4 | 3 | 10 | 3 | | 35 | 65 |
| 4. | Касб таълими (иқтисодиёт) | 65 | 1 | | 4 | 2 | 4 | | | 1 | 5 | 3 | 11 | 2 | | 32 | 65 |
| 5. | Иқтисодий статистика | 36 | | | 2 | 1 | 2 | 1 | 3 | 1 | | 3 | 5 | 1 | | 17 | 36 |
| 6. | Информатика ва ахборот технологиялари | 43 | 1 | | 3 | 3 | 2 | 1 | | 1 | 1 | 3 | 2 | 2 | | 24 | 60 |
| 7. | Банк иши | 51 | | | 3 | | 4 | 3 | 1 | 5 | 6 | 2 | 5 | 2 | 2 | 18 | 190 |
| 8. | Маркетинг (тармоқлар бўйича ) | 110 | 1 | 2 | 4 | 1 | 6 | 7 | | 3 | 3 | 3 | 20 | 6 | 4 | 50 | 160 |
| 9. | Менежмент (тармоқлар бўйича ) | 57 | | | 5 | 2 | 2 | 2 | 1 | 2 | 6 | 1 | 6 | 7 | | 23 | 90 |
| 10. | Бизнесни бошқариш | 57 | 2 | 1 | | | 3 | 1 | | 1 | 2 | | 6 | 4 | 1 | 36 | 70 |
| 11. | Божхона иши | 21 | | 1 | 2 | | 4 | | | 2 | 1 | 2 | 4 | 2 | 1 | 2 | 21 |
| 12. | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | 108 | 3 | 1 | 5 | 3 | 11 | 9 | 2 | 8 | 5 | 5 | 9 | 8 | 9 | 30 | 240 |
| 13. | Солиқлар ва солиққа тортиш | 64 | | 1 | 8 | 2 | 6 | 1 | 2 | 3 | 1 | 5 | 6 | 3 | 4 | 22 | 64 |
| 14. | Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги бўйича) | 51 | | 4 | 1 | 1 | 4 | 2 | 1 | 5 | 1 | 1 | 8 | 2 | 1 | 20 | 80 |
| | **Жами** | **944** | **12** | **16** | **45** | **22** | **68** | **36** | **17** | **44** | **44** | **45** | **120** | **54** | **30** | **391** | **1431** |

**2012/2013 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Магистратура мутахассисликларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | | | | | Тошкент шаҳри | Ҳозирги кунга қадар келиб тушган буюртмалар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сирдарё | Сурхондарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | | |
| 1. | Касб таълими (мутахассисликлар бўйича) | 19 | | | 1 | 1 | 2 | | | 2 | | 1 | 1 | | | 11 | 19 |
| 2. | Иқтисодий назария | 22 | | | 3 | | 2 | | 1 | 1 | | 3 | 3 | 1 | | 8 | 22 |
| 3. | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 50 | | 3 | 6 | 3 | 5 | 1 | 2 | 3 | 2 | 4 | 5 | 2 | 3 | 11 | 90 |
| 4. | Макроиқтисодиёт | 20 | | | 3 | | 3 | 1 | 1 | 2 | | | 1 | 1 | | 8 | 20 |
| 5. | Эконометрика | 11 | | 1 | 1 | | 1 | | 1 | 2 | | | 1 | | | 4 | 11 |
| 6. | Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари | 27 | 1 | 1 | | 1 | | | | 4 | 1 | 2 | 6 | 1 | | 10 | 45 |
| 7. | Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш | 13 | | 1 | 2 | | 3 | | 1 | 1 | | | 1 | | | 4 | 13 |
| 8. | Меҳнат иқтисодиёти | 17 | | | | | 1 | | 2 | 2 | | 2 | 2 | | 1 | 7 | 35 |
| 9. | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 36 | | | 1 | 1 | 3 | | 1 | | | 1 | 3 | 2 | 1 | 23 | 55 |
| 10. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (тармоқлар бўйича) | 22 | | | 2 | 2 | 2 | | | | | | | | 1 | 15 | 40 |
| 11. | Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 42 | | | 3 | 1 | 3 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | | | 28 | 65 |
| 12. | Логистика | 16 | 1 | 1 | 2 | | 2 | 1 | | 2 | | 1 | 1 | | 1 | 4 | 20 |
| 13. | Божхона иши (фаолият турлари бўйича) | 9 | 1 | | | | | | | 1 | | | 2 | | | 5 | 9 |
| 14. | Давлат молиясини бошқариш | 35 | 1 | | 3 | 1 | 2 | 1 | 1 | 3 | | 3 | 5 | 2 | 1 | 12 | 35 |
| 15. | Халқаро молия | 23 | | | 2 | 1 | | | | | | | 3 | 3 | 2 | 12 | 35 |
| 16. | Банк иши (фаолият турлари бўйича) | 32 | 1 | | 2 | 2 | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 1 | 18 | 70 |
| 17. | Солиқлар ва солиққа тортиш | 12 | | | | 1 | 1 | | 1 | | | 1 | 2 | | | 6 | 12 |
| 18. | Аудит (тармоқлар бўйича) | 22 | | | | 1 | | | 1 | 3 | | | 4 | | | 13 | 40 |
| 19. | Жаҳон иқтисодиёти (минтақалар ва фаолият турлари бўйича) | 32 | | | | 1 | 3 | | 1 | | 1 | 2 | 2 | 1 | | 21 | 40 |
| 20. | Ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият турлари бўйича) | 39 | | 1 | 2 | | 4 | | 3 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 20 | 55 |
| 21. | Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 15 | | 1 | 4 | 1 | 1 | 2 | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 15 |
| 22. | Туризм (фаолият турлари бўйича) | 11 | | | | | | 1 | | | | | 3 | | | 7 | 20 |
| | **Жами** | **525** | **5** | **9** | **37** | **17** | **39** | **8** | **18** | **30** | **7** | **23** | **53** | **17** | **13** | **249** | **766** |

**Маълумот учун телефонлар: (+998-71) 232-60-03, 239-28-77, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг маркетинг хизмати бўлими, факс: (+998-71) 232-60-01, (+998-71) 239-28-77. E-mail: marketing_tsue@mail.ru Манзилимиз: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй.**

613R/375

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**2013 йил 14 июнь куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ЖИБ судининг 2012 йил 30 июлдаги 634, 635, 636, 637 ва 638-сонли ижро хатларига асосан, Кегейли тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

«Халкабад мамыги» АЖда вақтинча сақланаётган:
* «ОБХ» ускунаси, бошланғич баҳоси — 3 978 720 сўм.
* «ОКМ» культиватори, бошланғич баҳоси — 2 381 400 сўм.
* «Доминатор-204 класс» русумли комбайн, бошланғич баҳоси — 48 600 000 сўм.
* «ВТ-150» русумли трактор, бошланғич баҳоси — 23 622 840 сўм.
* Пахта сеялкаси, бошланғич баҳоси — 1 463 670 сўм.
* «ДЭЛ» русумли ғалла ўриш ускунаси, бошланғич баҳоси — 2 600 100 сўм.
* «РМИ» русумли ускуна, бошланғич баҳоси — 1 080 540 сўм.
* Дон сеялкаси, бошланғич баҳоси — 2 600 100 сўм.
* Кегейли ТИИБда вақтинча сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2121» русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 3 645 000 сўм.

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 1 июль куни бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 112-«А» уй, 4-қават, 412-хона. Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.**

858R/870

*Гувоҳнома № 004059.*



*Ёшлар — юрт келажаги. Шу боис бугун навқирон авлод вакилларининг пухта билим олиб, касб-ҳунар сирларини эгаллашлари учун энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий шарт-шароитлар, қулай имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилояти қишлоқларида ҳам кўпдан-кўп янги ўқув даргоҳлари қурилди, кўркам спорт иншоотлари, Ёшлар марказлари фойдаланишга топширилди.*

*Айни дамда эса вилоятда болалар спорт иншоотларини барпо этиш юмушлари жадал давом эттирилмоқда. Жумладан, 2013 йилга мўлжалланган манзилли дастур лойиҳасига асосан, 7 та болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, 3 та мусиқа ва санъат мактаби биноси бунёд этилиши кўзда тутилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар кўплаб истеъдод эгаларини кашф этишда катта аҳамиятга эга, албатта.*

# Юксак марраларга интилган авлод

Сурхондарё вилоятида, айниқса, қизларни, энг аввало, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга жалб этишга катта эътибор қаратилаяпти. Масалан, Ангор педагогика коллежи ўқувчиси, 19 ёшли Сарвиноз Шайдуллаева 2012 йилда Франциянинг Париж шаҳри мезбонлик қилган халқаро мусобақада иштирок этиб, кумуш медаль соҳиби бўлди. Эришган ана шундай юксак натижалари учун айкидо бўйича Осиё чемпиони Сарвиноз Шайдуллаева 2013 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Президентимиз томонидан болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ана шундай ижобий самара бермоқда. Воҳадаги спорт иншоотларида ўтказилаётган машғулотларда фаол қатнашаётган Сарвинознинг тенгдошлари — енгил атлетикачи Ситора Ҳамидова, Анастасия Байко, курашчи Шоҳиста Сафарова, Соҳибжамол Холиқулова, Сокина Мелиқулова, каратэчи Барно Мирзаева, шахматчи Райҳона Дониёрова, Ирода Иброҳимова сингари иқтидорли қизлар бугун мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Истиқлол шарофати билан юртимизда санъат оламига эндигина кириб келаётган иқтидорли ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хабарингиз бор, ўтган йили декабрь ойида Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ёш ижрочилар ўртасида “Муғом” (Мақом) IV халқаро санъат фестивали ўтказилди. Унда жаҳоннинг 37 давлатидан ёш ижрочилар иштирок этишди. Халқаро фестивалда қатнашган ёшлар сафида воҳадаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабида анъанавий хонандалик йўналиши бўйича таҳсил олаётган Шаҳриёр Зиёдуллаев ҳам бор эди. Унинг ижросида янграган “Мустаҳзод”, “Дугоҳ — 4” сингари мумтоз ашулалар ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, Шаҳриёр фестиваль ғолиблигини қўлга киритди.

Умуман, Сурхон воҳасида истеъдодли, қалби ёниқ ёшлар жуда кўп топилади. Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти Самариддин Бердиев ана шундай интилувчан йигитлардан. Денов туманида туғилиб ўсган Самариддин бугунги кунда “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ва унинг ҳудудий таркибини ривожлантириш муаммолари” мавзуидаги илмий изланишларини давом эттирмоқда.

— Болалигимдан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари заковатда тенгсиз аждодларимиз ҳақидаги китобларни қизиқиб ўқийман ва уларга ҳавас қиламан, — дейди Самариддин. — Кейинроқ ақлимни таниб англадимки, биз, ёшлар буюк аждодлар ёди билан фақатгина ғурурланиб қолмасдан, уларнинг эзгу ишларини давом эттира оладиган муносиб ворис бўлиб етишишга интилишимиз керак. Бунинг учун эса юртимизда барча имкониятлар муҳайё. Шулардан оқилона фойдалана билсак, бас, катта ютуқ ва марралар бизники!

Ёш олимнинг тўлқинланиб айтган сўзларида жон бор, албатта. Зеро, бугун ёшларга ғамхўрлик давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Буни барча жабҳаларда ўз маҳорати ва салоҳиятини кўрсатишга интилаётган шижоатли ўғил-қизларнинг муваффақиятлари мисолида кўриш мумкин.

Қувонарлиси, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларда тадбиркор ёшларнинг ҳам салмоқли улуши бор. Жумладан, ўтган йили Узун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини битирган Зарнигор Норбоева банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига тикувчилик цехини ташкил қилди. Бугунги кунда ёш тадбиркорнинг корхонасида 10 нафарга яқин ҳунарманд меҳнат қилаяпти. У ерда хотин-қизлар учун бежирим либослар, болалар ва катталар учун ўнлаб турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда.

Аслида, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, воҳада ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб шаклланишини таъминлаш йўлидаги интилишлар ўз самарасини бермоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун эса юксак чўққиларни кўзлаб вояга етаётган ёшлар ҳаётига назар солишнинг ўзи, кифоя.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ШИЖОАТ

## «Сиз қонунни биласизми?»

*Нукус шаҳрида “Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Сиз қонунни биласизми?” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.*

ТАНЛОВ

Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган 14 жамоа қатнашди. Хусусан, иштирокчилар сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар ва уларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган видеоролик, слайд ва саҳна кўринишлари орқали ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Якунда Нукус ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг “Адолат қалқони” жамоаси ғолиб, деб топилди. Кейинги ўринларни Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С. Сирожиддинов номидаги академик лицейнинг “Адолат” ва Андижон вилояти Булоқбоши педагогика ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг “Фемида” жамоалари эгаллади.

**А. ҲИДОЯТОВ.**

САЛОМАТЛИК

*Бўстонлиқ туманидаги “Товоқсой” сиҳатгоҳи юртимиз нуронийлари саломатлигини мустаҳкамлашга ихтисослаштирилган. Яқинда бу ерда дам олувчилар қўшимча қулайликлардан баҳраманд бўла бошладилар.*

## Сиҳатгоҳнинг кўркам қиёфаси

Гап шундаки, муассаса реконструкция қилингач, сиҳатгоҳ бутунлай янгича қиёфа касб этди. Бир пайтнинг ўзида 500 кишига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкони юзага келди. Муассаса хориж давлатларидан келтирилган замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ётоқ бинолари, коттежлар, ошхона, фитобар, спорт ва соғломлаштириш заллари бугунги талаблар даражасига келтирилди. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан бир миллиард 680 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

**Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

# Меваси ҳам, япроғи ҳам малҳам

*Мамлакатимизда, жумладан, Хоразм воҳасида кенг тарқалган наботот турларидан бири — оқтут. Қадим замонлардан буён парваришлаб келинаётган ушбу дарахтни “балхитут” деб ҳам атайдилар. У вилоят тупроқ-иқлим шароитига жуда мос бўлиб, айни пайтда бир ёшдан 200 ёшгача ва ундан кўп йиллик намуналари учрайди.*

НАБОТОТ

Оқтутнинг баландлиги 20 метргача етиб, 500 йил атрофида умр кўради. Ёғочи жилолилиги туфайли кўпроқ мебелсозлик ҳамда ҳунармандчиликда ишлатилади. Айниқса, ундан ясалган чолғу асбоблари тиниқ, майин, жилвагар садо беради. Тут ёғочи эса узоқ вақт мобайнида нам шароитда мустаҳкамлигини сақлаб қолиши сабабли, ундан қудуқ қазишда фойдаланилади.



Тут меваси, айниқса, энг шифобахш ва тўйимли неъмат ҳисобланади. У пишиқчилик мавсуми бошида пишиб етилади. Таркибида 15 — 30 фоизгача қанд моддаси бўлиб, ундан майиз, ҳолва, шарбатлар тайёрлаш мумкин.

Халқ табобатида тут меваси иситма ва ичак касалликларини даволашда, қонни тозалаш ҳамда кўпайтириш, юрак касалликларининг олдини олишда ишлатилади. Шиннисидан фармацевтикада ҳабдори тайёрланса, хом меваси ич кетиш касаллигини даволашда яхши самара беради. Мева шарбати ва тиндирмаси бактерияларни йўқотишда қўл келади.

Оқтутнинг барги, меваси ва пўстлоғи таркибида оқсиллар, ёғлар, углеводлар, эфир мойлари, ошловчи моддалар, қандлар, микро ва макроэлементлар, лимон ва органик кислоталар, бўёқлар, алкалоидлар, A, B2, B3, PP, B5, B6, B9, C, E, K, B4 витаминлари, озиқ толалар ва бошқа кўплаб моддалар ҳам мавжуд.

Баргининг қайнатмасидан эса шамоллаган кишиларнинг ҳароратини пасайтиришда, пўстлоғидан тайёрланган қайнатмадан балғам кўчирувчи, пешоб ҳайдовчи дори сифатида, мойидан тайёрланган суртмадан яраларни даволашда фойдаланилган. Бундан ташқари, баргидан олинган фомилол дорисидан қичитма, бод ва тери силига учраган беморлар шифо топади.

Абу Али ибн Сино тут баргидан бодомсимон без яллиғланиши, тиш оғриғи хасталикларида дори сифатида фойдаланган. Мевасининг ширасини оғиз ва томоқдаги шишларни йўқотишда ишлатган.

Хуллас, тутнинг япроғи ҳам, меваси ҳам малҳам. Шу боис уни жуда яхши кўрамиз. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, тут дарахти ота-боболаримизни, бизни ҳам сийлаган табиат мўъжизаларидан биридир.

**Комилжон ДУРДИЕВ,**
**Урганч давлат университети доценти, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.**







● Реклама ва эълонлар ●



**«Қибрай»**
*клиник санаторийси*
юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Сиҳатгоҳда сауна, сузиш ҳавзаси, фитобар, теннис корти, бильярд ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.
*Манзилимиз:*
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
**Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.**
735АА/444




**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ**

«Sportlotto Ltd» ҚК МЧЖ томонидан тарқатилган, лекин ютуқ ўйналмаган «36 дан 6 Спортлотто» сонли лотереянинг 402-ютуқ тиражи ва «35 дан 7 Спортлотто» сонли лотереянинг 214-ютуқ тиражи бўйича чекларни экспертизага қабул қилиш ва нақд пул тўлаш ишлари тўхтатилганлигини маълум қилади.

**Мурожаат учун телефон: (8-371) 120-45-24.**
862R/


“Ўзбеккино” миллий агентлиги Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли кинодраматург **Фарҳод МУСАЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5